

**BARQAROR TARAQQIYOTDA AYOLLAR:
ILM-FAN VA SIFATLI TA'LIM**

**WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT:
SCIENCE AND QUALITY EDUCATION**

**XALQARO ILMIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI TO'PLAMI**



O'zbekiston Respublikasi
**OLIY MAJLISI
SENATI**



**Toshkent davlat
sharqshunoslik
universiteti**



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR
VAZIRLIGI



**O'zbekiston Respublikasi
Fanlar Akademiyasi**



**O'zbekiston
Xotin-qizlar qo'mitasi**



**YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGI**



Erasmus+



**Abdulla Qodiriy
Ijod maktabi**

TOSHKENT - 2023

**BARQAROR TARAQQIYOTDA AYOLLAR:
ILM-FAN VA SIFATLI TA'LIM
III XALQARO KONFERENSIYA TO'PLAMI**

**WOMEN IN SUSTAINABLE
DEVELOPMENT: SCIENCE AND
QUALITY EDUCATION
3RD INTERNATIONAL CONFERENCE PROCEEDINGS**

**ЖЕНЩИНЫ В УСТОЙЧИВОМ
РАЗВИТИИ: НАУКА И
КАЧЕСТВЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
III СБОРНИК МЕЖДУНАРОДНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ**


Toshkent- 2023

<i>Sabohat Qahharova</i>	TEZAURUSNING SEMANTIK TAHLILLARDAGI O'RNI	741-747
<i>Otabek Fayzullov</i>	ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ИМИДЖИ	748-753
<i>Малика Қодирхонова</i>	ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАЪЛИМИГА ЭЪТИБОР ВА ИНСОН КАПИТАЛИ	754-760
<i>Maftuna Mirzayeva</i>	MARKAZIY OSIYO TARIXIY DIPLOMATIKASINI TADQIQ ETISHDA AYOL TADQIQOTCHILARNING O'RNI	761-763
<i>Нурбек Ҳайдаров</i> <i>Баркамолжон</i> <i>Пирматов</i>	ГЛОБАЛ ИННОВАЦИЯЛАР ИНДЕКС РЕЙТИНГИДА МАМАЛАКАТИМИЗНИ ЎРНИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ОИД ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР	764-773
<i>Ф.Р. Юнусова</i> <i>З.Ф. Бекнозарова</i>	ФАОЛ ҲАЁТ ТАРЗИ –ИННОВАЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИ МАҲСУЛИДИР	774-780



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



ФАОЛ ҲАЁТ ТАРЗИ –ИННОВАЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИ МАҲСУЛИДИР

Ф.Р. Юнусова

т.ф.н., доцент

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти-
миллий тадқиқот университети*

З.Ф. Бекнозарова

п.ф.ф.д. доцент в.б.

*“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти”
Миллий тадқиқотлар университети*

<p>Калит сўзлар: инновация, стратегия, резолюция, цемент, жинс, топикал, композит материаллар, технология, энергия, ресурсларни тежаш, юқори малакали, концепция, комплекс, клинкер.</p>	<p>Аннотация: Турли ёшдаги аёллар ва қизлар учун инновациялар, технологиялар ва илм-фанни ривожлантириш натижаларидан тўлиқ фойдаланиш БМТ бош Ассамблеяси томонидан 20 йил 2013 декабрда қабул қилинган "фан, технология ва инновациялар" резолюциясида бўлгани каби, ушбу соҳада gender тенглигини таъминлашдан суғурта қилиш эканлиги тан олинган. Мастура Искандарова-техника фанлари доктори, Россия, табиий Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, professor, илмий асосчи"энергия ва ресурсларни тежайдиган сементлар ва семент композит материалларининг кимёвий технологияси" номли мактаб, боғловчиларнинг кимёвий технологияси бўйича юқори малакали мутахассис, олим, ўзининг муҳим илмий ютуқларини республикамизнинг онлу олимлари қаторидан жой олган.</p>
---	--

AN ACTIVE STYLE OF LIFE - THE PRODUCT OF THE EFFECTIVENESS OF INNOVATIONS

Keywords: innovation, strategy, rezolyutsion, cement, gender, topical, compozite materials, technology, energy, resource-saving, highly skilled, concept, complex, clinker.

Abstract: It is recognized that the full use of the results of the development of innovation, technology and science for women and girls of different ages is the insurance of ensuring gender equality in this area, as in the resolution "Science, technology and innovation" adopted by the UN General Assembly on December 20, 2013. Mastura Iskandarova is a doctor of technical sciences, corresponding member of the

Russian, academy of Natural Sciences, professor, founder of the scientific school “Chemical technology of energy – and resource-saving cements and cement composite materials”, a specialist of high qualification in the chemical technology of binders, a scientist, with his significant scientific achievements taking his place among scientists not only of our republic.

АКТИВНЫЙ СТИЛЬ ЖИЗНИ - ЭТО ПРОДУКТ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИННОВАЦИЙ

Ключевые слова: инновации, стратегия, решение, цемент, гендер, актуальность, композитные материалы, технология, энергия, ресурсосбережение, высококвалифицированный персонал, концепция, комплекс, клинкер.

Аннотация: Признано, что полное использование результатов развития инноваций, технологий и науки для женщин и девочек разных возрастов является гарантией обеспечения гендерного равенства в этой области, как указано в резолюции “Наука, техника и инновации”, принятой Генеральной Ассамблеей ООН 20 декабря 2013 года. Мастура Искандарова – доктор технических наук, член-корреспондент Российской академии естественных наук, профессор, основатель научной школы “Химическая технология энерго- и ресурсосберегающих цементов и цементно-композиционных материалов”, специалист высокой квалификации в области химической технологии вяжущих, ученый, остроумный его значительные научные достижения занимают его место среди ученых не только нашей республики.

Ҳар бир даврнинг ўз тараққиёт қонунлари, эҳтиёжлари, талаблари ва ҳаётий тамойиллари бўлади. Табиийки буларнинг барчасини шакллантириш ва ривожланишига, уларга алоҳида маъно мазмун бағишлашга, бу даврда давлат, жамият ҳаёти, ижтимоий сиёсий институтлар фаолиятининг аниқ йўналишларини белгилаб берадиган воқеалар бўлади[1]. 2016 йил 4 декабрда мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳеч шубҳасиз ҳаётимиздаги ана шундай беқиёс ҳодисалардан бири бўлди. Чунки ана шу сайловда бутун Ўзбекистон халқи ўзининг буюк сиёсий иродаси, ҳуқуқий маданиятини намоён этиб, мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиёти, фарзандларимизнинг ёруғ келажаги ва халқимизнинг фаровон ҳаёти учун онгли равишда овоз бердилар.

2016 йил 14 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кириши маросимига бағишланган Олий Мажлис йиғилишида Республикаимиз Президенти Ш.Мирзиёев нутқ сўзлаб, у яқин ва ўрта истиқболда мамлакатимиз олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Бунда Президентимиз илк бор 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар

стратегияси”ни ишлаб чиқиладигани ҳақида ахборот берди. Кўп ўтмай 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида Президент Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармонга асосан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизда ҳамда чет эл ижтимоий – сиёсий доиралар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир устувор йўналиши мамлакатимиз тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу дастурнинг

4-йўналишида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ўз ифодасини топган. Унда бир қанча долзарб муаммолар кўрилган бўлиб, улардан бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш йўли билан соғлом турмуш тарзини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган.

Маълумки, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб хотин-қизларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб –қувватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. [2].

Шу билан бирга БМТ Бош Ассамблеясининг 2013 йил 20 декабрда қабул қилинган “Тараққиёт мақсадларидаги фан, техника ва инновациялар” тўғрисидаги резолюциясида ушбу соҳадаги гендер тенгликни таъминлаш кафолати сифатида исталган ёшдаги аёл ва қиз фан, техника ва инновация ютуқлари ривожидан тенг ва тўлақонли фойдаланиш имкониятига эга экани эътироф этилган. Бош Ассамблеянинг 2015 йил 22 декабрдаги ялпи мажлисида 11 феврални “Илм-фан соҳасидаги аёллар ва қизлар халқаро куни” сифатида эълон қилувчи резолюция қабул қилинган. Резолюция асосий мақсади аёллар ва қизларни илмий фаолиятга жалб этиш жараёнида сифат ўзгаришига эришиш ҳисобланади. [3]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПҚ-3696-сон «Ички бозорни цемент билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш саноатини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5368-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси» ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ўзбек олима аёлларининг ҳам ҳиссалари беқиёсдир. - Аёл илмли бўлса, миллат илмли бўлади, - дейди Ўзбекистон Фанлар Академияси ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими бошлиғи Нодира

Мустафаева. - Кейинги йилларда ФА тизимида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар улуши сезиларли равишда ошди. Ҳозирги пайтда 137 фан докторининг 47 нафари аёл киши. Айниқса, табиий фанлар соҳасида илмий изланиш олиб бораётган олималаримиз сони кўпайган.[4]

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётда кам сарфли энергиятежамкор усулларни қўллаш, цемент ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш...» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада кимёвий таркиби табиий алюмосиликат хом ашёларнинг кимёвий таркибига яқин бўлган сопол чиқиндиларидан комплекс фойдаланиш, табиий хомашёларни тўлик алмаштириш ва энергия ва ресурстежамкор технологиядан фойдаланган ҳолда клинкер ва композицион қўшимчали цементларни ишлаб чиқаришга имконият яратади. [5]

Ана шундай долзарб, масъулиятли вазифаларни бажариш борасида тинмай фаолият олиб бораётган аёл МАСТУРА ИСКАНДАРОВА – техника фанлари доктори, Россия табиатшунослик академиясининг мухбир-аъзоси, профессор, “Энергия ва ресурстежамкор цементлар ва цемент асосидаги композицион материаллар кимёвий технологияси” илмий мактаб асосчиси, ушбу соҳа бўйича юксак салоҳиятли мутахассис, цемент ишлаб чиқариш соҳасидаги эришган салмоқли илмий натижалари билан нафақат республикамызда ва собиқ ҳамдўстлик давлатлари, балки чет элдаги соҳа мутахассислари ўртасида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган етук олимадир.

Мастура Искандарова – миллати ўзбек, 1948 йилнинг 4 майида Чимкент вилоятининг Сайрам туманидаги сўлим Қорамурт қишлоғидаги зиёли деҳқон оиласида дунёга келди. 1965 йили Тошкент шаҳридаги М.Горький номидаги 90-мактабни аъло баҳоларга битириб, Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетига ўқишга кириди. Институтда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, талабаларнинг илмий жамиятида ҳам фаол қатнашиб, илмга лаёқати кучлилигини намоён қилган М.Искандаровага, 1970 йили Давлат аттестация комиссияси томонидан институтнинг аспирантурасига ўқишга йўлланма берилди. У 1981 йили номзодлик диссертациясини ёқлайди. Унинг илк илмий фаолияти, устози т.ф.н. Т.А.Отакузиев раҳбарлигида фосфогипс асосидаги паст ҳароратда олинган сульфюалюминатли цементларнинг физик-кимёвий, физик-механик ва қурилиш техник хоссаларини ўрганишга, сульфоклинкердан олинган цементларнинг махсус турлари ва технологияларини яратишга бағишланган бўлиб, бу борада олиб борган кенг қамровли изланишлари

натижалари унинг “Сульфоалюминат-силикатли клинкер асосида тез қотувчан ва ўта мустаҳкам цементлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусида тайерланган диссертациясида баён этилди. Диссертация иши учун тадқиқотлар олиб бориш ва уни расмийлаштириш жараёни М.Искандарова учун катта тажриба мактаби бўлиб хизмат қилди, зеро у ўша даврда нафақат собиқ Иттифокда, балки чет элларда ҳам машҳур бўлган соҳанинг етакчи олимлари В.В.Тимашев, И.В.Кравченко, Л.Г. Шпынова, Т.В.Кузнецова, А.А.Осокин, Б.С.Альбац, З.Б.Энтин, В.И.Шубин ва бошқа таниқли рус олимлари билан танишиб, соҳа ривожига ёндашиши ва ўз илмий қарашлари билан уларнинг назарига тушган эди. Ўз соҳаси бўйича катта тажриба ва билимларга эга бўлган М.Искандарова, 1988 йили Тошкент политехника институтининг докторантурасида таҳсил олди, ҳамда фосфогипс ва бошқа техноген чиқиндилардан фойдаланиб паст ҳароратда кулранг, ок, рангли сульфоклинкерлар ва улар асосида умум қурилиш цементининг махсус турларини (оҳак ажратмасдан қотадиган ок, турли хил рангли, кенгаювчи, таранглашувчи цементлар) олиш технологияларини ишлаб чиқиш борасида илмий изланишлар олиб бориб, 1995 йили “Фосфогипс ва бошқа техноген чиқиндилар асосида сульфат-сульфоалюминат механизми бўйича қотувчи цементларнинг янги махсус турлари” мавзусидаги диссертацияни муваффақиятли ёқлайди ва техника фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлди. [6]

М.Искандарова 2010-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Умумий ва ноорганик кимё институти қошидаги “Стром” илмий-тадқиқот лабораторияси ва синов марказида етакчи ва бош илмий ходим лавозимларида фаолият кўрсатган ва 2013 йилдан буён унга раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу даврда олима раҳбарлигида ишлаб чиқилган композицион қушимаки цементлар олиш технологияси “Охангоронцемент” АЖ, “Кизилкумцемент” АЖ, “Кувасойцемент” АЖ ва “Бекободцемент” АЖ ларда жорий этилган. Хул ҳризотилцемент чиқиндиларини цементга қўшимча сифатида ишлатишнинг таклиф этилган самарали усули ва қимматбаҳо клинкерни тежаб, цемент таннархини арзонлаштириш ва экологик муҳитни соғломлаштиришга қаратилган технологияси “Кизилкумцемент” АЖ да жорий этилган. Бу борада олима кўплаб масъулияти чекланган жамиятлар ва хусусий фирмаларга ҳам хўжалик шартномалари асосида юқори савияда илмий-техник хизматлар кўрсатишни, уларга меъёрий –техник хужжатларни ишлаб чиқиш, тегишли ташкилотларда экспертиза жараёнидан ва “Ўзстандарт” агентлигида рўйхатдан ўтказиш ишларида ҳам амалий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйган бўлиб, республикамиз қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ривожига бевосита ҳисса қўшмоқда.

Олиманинг цемент соҳасидаги илмий ишлари акс этган 450 дан зиёд илмий асарлар , жумладан 1та монография ва 4 та дарслиги, 11 та муаллифлик гувоҳномаси, 1та Россия патенти ва 2 та УзР патенти муаллифи эканлиги, кейинги йилларда Интеллектуал мулк қўмитасига ихтиро учун 6 та талабнома топширганлиги, унинг республикамизда боғловчи композицион материаллар кимёси ва технологияси борасида яратган ўз илмий мактаби мавжудлигидан далолат беради.

М. Искандарова ҳақида яна бир асосий нарсани таъкидлаш лозимки,бу унинг аёл ва она сифатидаги вазифаларни бажаришдаги фидойилигидир. Бир ўғил уч қизнинг онаси бўлган олима бир қўлида қалам, бир қўлида бешик тебратиб, дуч келаётган қийинчиликлари ҳақида ҳеч кимга, ҳатто яқинларига ҳам оғиз очмай, барчасини сабр билан енгиб, дам олиш нима, саёҳатга чиқиш нималигини билмай, оилани бир кафтига қўйса, илмни иккинчи кафтида тутиб, фарзандларини комил инсонлар қилиб тарбиялаган она, бугунги кунда Республикамизда соҳа бўйича ўз ўрни ва мавкейига эришган олима мақомидаги аёлдир. Фарзандлари, яқинлари , ҳамкасблари ва шогирдлари ардоғида шу кунда илм – фан учун бугунги яратилган шароитлардан ризо бўлиб, шукроналик билан яшаётган Мастура Искандарованинг ижодий фаолияти ҳозир айна кизгин паллада, у ўз шеърларида тараннум этгандек,севимли Ўзбекистонимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш учун

Ватан менинг юрак қўрим

Томиримда тоза қоним.

Унда ижод билан кечар

Хар лахза-ю, хар бир оним.

деб,республикамиз боғловчи моддалар кимёси ва технологияси фанини янгидан – янги илмий маълумотлар билан бойитиш, соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшадиган янги технологиялар яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида тинимсиз ижод қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – Тошкент 2017.февраль
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин қизларни қўллаб қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 5325-сонли Фармони – Тошкент 2018.февраль

3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий Услубий Рисола , -Тошкент 2017.
4. “Саодат” , Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий, безакли журнали, Тошкент 2018 январ.
5. А Тулаганов, “Бескрайние горизонты стройиндустрии”, газета “Народное слово”,Ташкент,11.07.2020.
6. М.Искандарова, “Мастура Искандарова”нинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида қисқача маълумот”, Уз.Р Фанлар академияси Асосий кутубхонаси босмахонаси ,Тошкент 2018.